

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

СЕРЕБРЯКОВ ЮРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ

**ТУРЛИ ВАЗН ТОИФАСИДАГИ БОКСЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ОЛДИ
ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДАГИ МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик-2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doktor philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Серебряков Юрий Владимирович

Турли вазн тоифасидаги боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик
босқичидаги машғулот юкламаларини оптималлаштириш.....3

Серебряков Юрий Владимирович

Оптимизация тренировочных нагрузок боксёров различных весовых
категорий на предсоревновательном этапе подготовки.....31

Serebryakov Yuriy Vladimirovich

Optimization of training loads of boxers of different weight categories at the
pre-competition stage of training.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....63

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

СЕРЕБРЯКОВ ЮРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ

**ТУРЛИ ВАЗН ТОИФАСИДАГИ БОКСЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ОЛДИ
ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДАГИ МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Ped1857 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация авто реферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: **Тажибаев Сойиб Самижонович**
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар: **Кошбахтиев Ильдар Ахмедович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Рахимов Владимир Шавкатович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ургенч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-37-717-17 79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “В” биноси, 2 қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси)

М.Р. Болтабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х. Миржамолов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD)

Ф.А. Керимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда халқаро мусобақаларда рақобатнинг кескин ошиши шароитларида спортчиларни тайёрлаш ҳолати ва улар тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда тайёргарликнинг турли томонлари бўйича мезонлар ишлаб чиқишга тизимли ёндашув тўғрисида объектив ахборот олиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Дунё амалиётида яккакурашчилар мусобақаолди тайёргарлигининг янги самарали моделларини ва мусобақа шароитларида боксчилар фаолиятини самарали бошқариш учун инновацион услубиятларни ишлаб чиқиш муаммоларига муҳим даражада эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар доирасида спортчиларнинг мусобақаларда қатнашиш ишончилиги ва натижадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳонда спорт юксак даражада ривожланган АҚШ, Россия Федерацияси, Англия, Германия, Куба, Хитой, Корея ва бошқа давлатларда мазкур муаммонинг ҳал қилиниши боксчиларнинг натижаларини башорат қилиш, машғулотлар режаси, мусобақалардаги чиқишлар ва функционал ҳолатга боғлиқ ҳолда машғулот жараёни самарадорлигини таҳлил қилиш имконини берувчи янги ишланмаларни машғулот жараёнига жорий қилиш асосида амалга оширилмоқда. Эътироф этиш жоизки, боксчиларни асосий мусобақаларга тайёрлашда машғулот жараёнини оқилона ташкил қилиш услубияти етарлича ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ушбу соҳада мақсадга йўналтирилган сиёсат амалга оширилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири “спортчиларни тайёрлаш услубиятини илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, спорт заҳирасини шакллантириш ва спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибини сифатли тўлдириш учун юқори малакали спортчиларни тайёрлаш жараёнига инновацион лойиҳаларни жорий қилиш”¹ ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ватанимиз боксчиларини тайёрлашнинг долзарб муаммоларидан бири ўқув-машғулот жараёнини такомиллаштиришнинг самарали йўллари излаб топиш ва турли вазн тоифасидаги спортчиларнинг натижадорлигини ошириш ҳисобланади. Ўзбекистон спортчилари ва тренерлари олдига спорт маҳоратининг юқори даражасига эришиш ва халқаро спорт майдонларида етакчи ўринларни эгаллаш каби ўта муҳим вазифа қўйилган. Ушбу вазифа тана массасининг спортчилар тайёргарлиги ва машқланганлиги даражасига, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва спорт натижаларига таъсир қилишини баҳолашга асосланган самарали машғулот услубиятини ишлаб чиқиш ҳисобига ҳал қилиниши мумкин. Бокс назарияси ва услубияти соҳасидаги мамлакатмиз ва хорижий назариячи ва амалиётчи олимлар томонидан машғулот жараёнини янада яхшилаш ва спортчиларнинг натижадорлигини оширишга қаратилган кўп сонли таклифлар мавжудлигига қарамадан, спортчиларнинг шахсий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони <http://lex.uz>

вазнига боғлиқ ҳолда машғулотларни индивидуаллаштириш масалаларига деярли эътибор қаратилмаган. Ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларига тааллуқли қисқа маълумотлар мавжуд, ҳолос. Мусобақаолди босқичида юқори малакали боксчиларнинг машғулот жараёнини уларнинг жисмоний, техник-тактик ва функционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузиш масалалари бўйича илмий асосланган маълумотларнинг йўқлиги маҳоратни янада такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларда машғулот ва мусобақа фаолиятининг миқдорий мезонларини, тайёргарликнинг етакчи омилларини аниқлашга қаратилган тадқиқот биз томонимиздан танланган диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон спортчиларини Токио шаҳрида (Япония) 2020 йилда бўлиб ўтадиган XXXII Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, ПҚ-5099-сон “Боксни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорларида ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Боксдаги муаммоларни тадқиқ қилишнинг барча жиҳатлари бўйича жуда бой илмий материал тўпланган, кўп йиллик тайёргарлик тизимининг назарий базаси шакллантирилган, хусусан, Бутенко Б.И., Верхошанский Ю.В. ва Клевенко В.М.² томонидан махсус-ҳаракат сифатларини машқ қилиш ва тарбиялашнинг ҳар хил услублари ўрганилган.

Дегтярев И.П. ва Никифоров Ю.Б.³ томонидан ўқув-машғулот жараёни тузилмаси ва мазмуни, машғулот юкламаларининг катталиги ва йўналганлиги,

² Бутенко Б.И. Специализированная подготовка боксера. - М.: Физкультура и спорт, 2007. - 175 с.; Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. - М.: Физкультура и спорт, 2006. - 340 с.; Клевенко В.М. Быстрота в боксе. - М.: Физкультура и спорт, 2008.- 405 с.

³ Дегтярев И.П. Совершенствование структуры тренировочных средств боксеров олимпийского резерва. И.П. Дегтярев, А.В. Гаськов // Бокс: ежегодник. - М.: Физкультура и спорт, 2004.- С. 40-42.; Никифоров Ю.Б. Эффективность тренировки боксеров :практ. рекомендации.- М.: Физкультура и спорт, 1987. - 192 с.

⁴ Халмухамедов Р.Д. Технология оптимизации учебно-тренировочного процесса единоборцев. Монография .- Ташкент. 2009. 158 с., Тажибаев С.С. Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларини қўллаш методикаси. Автореф. дис....док.пед.наук.- Ч. 2017. 48 с. , Ражабов Ғ.К. Малакали боксчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақа фаолияти натижадорлигини шакллантириш. Автореф. дис.... док.фил. пед. наук.(PhD). Ч., 2019. –С. 36., Шин В.Н. Технология планирования подготовки боксеров. Учебное пособие. – Т.: LIDER PRESS, 2008.-158 с.

⁵ Качурин А.И., Киселев В.А., Качурин А.А., Кравченко О.В. Анализ соревновательной деятельности боксеров различной квалификации. Сборник научных трудов. – М., 1997. – С. 19-20.; Калмыков Е.В. Диагностика и

спортчининг ҳолати ва мусобақалар тизимини назорат қилиш воситалари аниқланган.

Мамлакатимизнинг етакчи мутахассисларидан Халмухамедов Р.Д., Тажибаев С.С., Ражабов Ғ.К., Шин В.Н., Турдиев Ф.К. ўқув-машғулот жараёнини самарали ташкил қилиш ва юқори малакали боксчилар мусобақа фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари муаммоларига тааллуқли тадқиқотлар ўтказишган⁴.

Бироқ ҳар хил вазн тоифасидаги боксчилар билан ўқув-машғулот жараёнини ташкил қилишга бағишланган ишларда оғир вазн тоифасидаги боксчилар тайёргарлигининг айрим хусусиятларига тааллуқли маълумотлар етарли ёритилмаганлиги туфайли улар асосида машғулотнинг самарали услубиятини ишлаб чиқиш имконияти йўқ [Качурин А.И., Киселев В.А., Качурин А.А., Кравченко О.В., Калмиков Е.В.]⁵. Оғир вазн тоифасидаги боксчиларнинг машғулот жараёнини режалаштириш ва ўтказиш барча вазн тоифасидаги спортчилар учун қабул қилинган умумий тизим бўйича амалга оширилади. Спорт ютуқларининг замонавий даражаси эса спортчилар организмнинг барча тизимларини ўзаро боғлиқликда ўрганишни ҳамда индивидуал хусусиятлар ва уларнинг спорт натижаларига таъсирини текшириш ва баҳолаш заруратини тақозо этади [Кураков Э.М., Клещев В.Н. М. Калмиков Е.В., Филимонов В.И.]⁶.

Шундай қилиб, таҳлил қилинган махсус адабиётларда биз қуйидаги масалалар бўйича илмий асосланган тавсияларни учратмадик, яъни:

умумий (УЖТ), махсус жисмоний ва спорт-техник тайёргарлик нисбатлари;

машғулот юкламасининг миқдорий параметрлари нисбатлари;

машғулот юкламасининг спортчилар функционал тизимига таъсир қилиш хусусияти;

боксчиларни масъулиятли мусобақаларга тайёрлаш жараёнида асосий машғулот воситаларининг миқдорий тавсифлари нисбатлари.

Юқорида баён қилинган маълумотлар ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг машғулот услубиятини ишлаб чиқиш муаммоси ўзининг долзарблигини йўқотмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон терма жамоаларида малакли спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

содержание индивидуального стиля деятельности боксеров. – М., 2000. – 34 с.

⁶ Кураков Э.М. Подготовка боксеров в вузах. Учеб.пособие / Э.М. Кураков, В.Н. Клещев. -М.: Физическая культура, 2008. - С. 6-7.; Теория и методика бокса. Учебник для студентов вузов. / под общ. ред. Е.В. Калмыкова. - М.: Физическая культура и спорт, 2009. - 264 с. Филимонов В.И. Бокс: Педагогические основы обучения и совершенствования. – М.: ИНСАН, 2001. – 400 с.

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигини ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларни мусобақаларга тайёрлаш жараёнида уларнинг махсус ҳаракат тайёргарлиги, техник-тактик арсенали ва асосий машғулот воситаларининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш;

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларни мусобақа фаолияти муваффақиятига қўмаклашадиган техник-тактик маҳоратнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш;

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлигини оширишга йўналтирилган машғулот жараёнини ташкил қилишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва асослаш.

Тадқиқотнинг объекти: Ўзбекистон терма жамоасининг ҳар хил вазн тоифасидаги юқори малакали боксчиларини мусобақаларга тайёргарлик пайтидаги тренировка жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг мусобақаолди тайёргарлиги структураси ва мазмуни.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатувлар ва хронометраж, педагогик назорат синовлари (тестлар), эксперт баҳолаш усули, педагогик тажриба, кислородни максимал ўзлаштириш ва жисмоний ишчанлик қобилиятини аниқлаш, боксчиларда сенсомотор реакцияларни ўлчаш, динамометрия, тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

машғулот ва мусобақа фаолияти хусусиятлари ҳамда миқдорий мезонлари, морфофункционал (тананинг таркиби) ва антропометрик (бўй – вазн) кўрсаткичлари бўйича фарқ қилувчи турли вазн тоифасидаги боксчиларнинг тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб махсус мусобақа воситалари ишлаб чиқилган;

турли вазн тоифасидаги боксчиларнинг жисмоний (тезлик – куч, куч, координацион, махсус чидамлилиқ), техник – тактик тайёргарлиги ва машғулот юкламалари тузилмаси хусусиятлардан келиб чиқиб нокаутчи боксчилар, тезкор боксчилар, универсал боксчилар тактик маҳорати такомиллаштирилган;

турли вазн тоифасидаги боксчиларни мусобақаларга тайёрлаш жараёнида махсус ҳаракат (тезкор ҳужумлар, қарши жанг, яқин масофада жанг) тайёргарлиги, техник – тактик арсенал ва асосий машғулот воситаларининг (умумий жисмоний ва махсус жисмоний) миқдорий тавсиф кўрсаткичлари қарши жанг тактикаси, чапақайга қарши жанг, комбинацион, яқин масофада жанг қилиш тактикаси ҳисобга оптималлаштирилган;

турли вазн тоифасидаги боксчиларнинг машғулот жараёнини ташкиллаштиришнинг мазмуни енгил вазнлилар учун (блокли, тўлқинсимон), ўрта вазнлилар учун (тўғри чизикли ва зинасимон) ва оғир вазнлилар учун (тўлқинсимон) инновацион услубият ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг тайёргарлигига қўйиладиган

асосий талаблар аниқланган;

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчилар томонидан тайёргарликнинг ҳар хил босқичларида қўллаш учун зарур бўлган машғулот воситалари, усуллари ва юкламаларининг мажмуалари ишлаб чиқилган;

катталиги, шиддати ва мақсадга йўналтирилганлиги бўйича ҳар хил бўлган машғулот воситаларини тақсимлашнинг оптимал тузилмаси асосида боксчиларнинг самарали машғулот услубияти ишлаб чиқилган;

бокс бўйича шаҳарлар ва республика терма жамоалари учун ўқув-машғулот жараёни ва ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммони ҳал қилишга бир бутун ёндашув, дастлабки назарий ҳолатларнинг назарий-методологик асосланганлиги ва қарама-қарши эмаслиги, уларнинг педагогик реалликнинг ривожланиш анъаналарига мослиги, тажриба-синов ишларининг тўғри ташкил қилинганлиги, тадқиқотнинг асосий натижаларининг барқарор такрорланиши ва олинган маълумотларнинг репрезентативлиги, ўрганиш предметиға мос бўлган тадқиқот усуллариининг қўлланилганлиги, тажриба ишлари натижаларининг сон ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, олинган маълумотларнинг ахборот-компьютер технологиялари асосида статистик қайта ишланганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот материаллари юқори малакали боксчилар тайёргарлигини такомиллаштиришнинг инновацион услубиятларини ишлаб чиқиш учун илмий-назарий база бўлиб хизмат қилиши мумкин ҳамда ҳар хил вазн тоифасидаги юқори малакали боксчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини тузиш хусусиятлари, табақалаштириб танлаб олинган машғулот воситаларидан фойдаланиш ҳисобига спортчиларнинг махсус жисмоний, техник-тактик ва функционал тайёргарлигини самарали ривожлантириш тўғрисидаги янги маълумотлар билан спорт машғулотлари назарияси ва услубиятини кенгайтириши ва тўлдириши мумкин.

Боксчиларни тайёрлаш амалиётида диссертация хулосаларининг қўлланилиши мутахассисларга спортчилар мусобақаолди тайёргарлиги мазмунини тўғри ташкил қилишга имкон яратади, боксчилар спорт натижаларининг ишончли ўсишиға ва спортда узоқ вақт қолишға ёрдам беради, ўзини намоён этиш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Тадқиқотдан олинган натижалар бокс бўйича спорт мактаблари, республика олимпия марказлари ўқув-машғулотлари жараёнида, яккакураш спорт турлари соҳасида бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигида ҳамда педагог-тренерларнинг малакасини ошириш факультетларида ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳар хил вазн тоифасидаги малакали боксчиларни тайёрлаш услубиятининг оптимал тузилмаси ва мазмунини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида:

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг мусобақаолди тайёргарлик босқичидаги машғулот юкламаларини оптималлаштириш бўйича таклифлар Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоа ўқув машғулотларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт

вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 02-07-08-1794 сонли маълумотнома). Натижада 2019 йилги Россияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 1 та олтин, 2020 йил Иорданияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 1 та олтин ва 1 та бронза медаллари қўлга киритилган;

ҳар хил вазн тоифасидаги боксчилар: енгил вазнлилар (блоки, тўлқинсимон), ўрта вазнлилар (тўғри чизиқли ва зинасимон), оғир вазнлиларнинг (тўлқинсимон, тўғри чизиқли) машғулот жараёнини ташкил қилиш дастури буйича таклифлар «Теория и методика бокса» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги буйруғига асосан 648-032 рақамли гувоҳнома). Натижада боксчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси 13,3% га ошган;

мусобақа фаолиятининг муваффақиятига таъсир қилувчи энг аҳамиятли омилларга асосланган махсус педагогик воситалар комплекси «Теория и методика бокса» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги буйруғига асосан 648-032 рақамли гувоҳнома). Натижада боксчилар мусобақа фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги 14,8% га ошган;

боксчиларнинг махсус-жисмоний, техник-тактик ва функционал тайёргарликларини ривожлантиришнинг самарали усуллар Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоа ўқув машғулотларига жорий қилинган (Бокс федерациясининг 2020 йил 12 мартдаги 01-04/592-3-1 сон маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 02-07-08-1794 рақамли маълумотномаси). Натижада бокс бўйича РОСММда ўқув-машғулот жараёни 10% га оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот материаллари бўйича илмий маърузалар 6 та турли миқёсдаги (4 та халқаро ва 2 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий-услубий ишлар, жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, 8 та расм, 16 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация

тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Тайёргарликнинг мусобақаолди босқичида боксчиларни тренировка юкламаларини тузиш хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида боксчиларнинг тайёргарлиги ва тренировка қилганлиги даражаларини шахсий тана вазнига боғлиқлигини, ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг ўқув-тренировка жараёнини индивидуал-лаштиришни, мусобақа фаолияти ва жисмоний тайёргарлиги ўртасидаги фарқларни ўрганиш ва баҳолаш зарурати масалалари ёритилган.

Ўрганилаётган масала бўйича махсус адабиётлар материалларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, ҳар хил вазн тоифасидаги спортчиларнинг жисмоний ва функционал тайёргарлиги даражасидаги сезиларли фарқларни аниқлашга тааллуқли ўта фойдали далиллар билан бир қаторда, ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларни тренировка қилиш услубияти хали ҳал бўлишидан йироқда, деган хулосага олиб келди.

Мавжуд адабиётларда ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг тренировкалари услубиятини тажрибаларда тадқиқ қилишга бағишланган махсус ишлар учратилмади. Фақатгина, ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларда айрим жисмоний сифатларни ва функционал тайёргарликни намоён қилиниши хусусиятлари ҳамда техник-тактик маҳорати даражалари тўғрисида далолат берадиган тадқиқотлар мавжуд. Бунда, спортчиларнинг жисмоний сифатлари ва айниқса, техник-тактик маҳорати тўлиқ ўрганилмаган. Умумий жисмоний сифатларни намоён қилиниши хусусиятлари деярли ўрганилмаган, техник-тактик маҳорати эса, асосан, бажарилган усулларнинг сифатини эмас, балки миқдорини акс этадиган кўп сонли бўлмаган кўрсаткичларда ўрганилган.

Ҳар хил вазн тоифасидаги боксчилар тренировкасининг хусусиятлари янада кам ўрганилган. Фақатгина амалий тажрибага асосланган ва ўта умумий характерга эга бўлган тавсиялардан ташқари тренировка воситалари ва усулларини, юкламаларни дозалаштиришни қўллаш, ҳар хил вазн тоифасидаги боксчилар тренировкасини тузиш ва режалаштириш бўйича бошқа маълумотларни аниқлаш имкони бўлмади.

Шу билан бирга, адабиётларда ҳар хил вазн тоифасидаги боксчилар тренировкасини табақалаштирилган услубиятини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ишончли далиллар мавжуд.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган усуллар, асосий педагогик тажрибани ташкил қилиниши ва ўтказилиши хусусиятлари, бажарилган ишларнинг кетма-кетлиги ва структураси ҳамда ҳар бир усул бўйича қисқа аннотация ва уларни қўлланилиши бўйича тавсиялар батафсил баён қилинган.

Тадқиқотлар икки босқичда – 2017 йилнинг сентябридан то 2020 йилнинг

март ойига қадар бокс бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси контингентда амалга оширилди. Педагогик тажрибанинг биринчи босқичи дастлабки характерга эга бўлди ва унда, оммавий тажриба маълумотларини тўплаш амалга оширилди.

2017 йилнинг сентябридан то 2018 йилнинг март ойига қадар махсус адабиётлардаги манбаларни ўрганиш ва юқори малакали боксчиларнинг ўқув-тренировка жараёнини кузатиш асосида қуйидагилар аниқланди:

- ўқув-тренировка жараёнини режалаштиришнинг оптимал варианты;
- тренировка воситаларини структураси ва тақсимланиши;
- махсус ҳаракат ва махсус жисмоний тайёргарликни ўзаро боғлиқлиги ва оғир вазн тоифасидаги боксчиларнинг спорт-техник тайёргарлигига ўзаро таъсири характери;
- тайёргарликнинг турларини мажмуавий назорат қилишнинг информатив шакллари ва усуллари.

Адабиётлардаги манбаларни таҳлил қилиш асосида ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг тренировкани жараёнини ташкил қилишни инновацион дастури ишлаб чиқилди.

Тажрибаларнинг иккинчи (асосий) босқичи 2018 йилнинг сентябридан то 2020 йилнинг март ойига қадар тренировкани жараёнини табиий шароитларида амалга оширилди, унда, боксчиларнинг тренировка усулини ишлаб чиқилган вариантини самарадорлиги тажрибаларда асосланди.

Синовдан ўтувчилар сифатида 46 нафар юқори малакали боксчилар иштирок этдилар, жумладан:

- енгил вазн тоифасидаги боксчилар – 24 нафар (12 нафари назорат ва 12 нафари тажриба гуруҳи);
- ўрта вазн тоифасидаги боксчилар – 14 нафар (7 нафари назорат ва 7 нафари тажриба гуруҳи);
- оғир вазн тоифасидаги боксчилар – 8 нафар (4 нафари назорат ва 4 нафари тажриба гуруҳи).

Синовдан ўтувчи боксчиларнинг 5 нафари хизмат кўрсатган спорт устаси, 44 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 39 нафари спорт устаси ва 7 нафари спорт усталлигига номзодлар бўлиб, улардан 1 нафари Олимпий ўйинлари ғолиби, 5 нафари Жаҳон чемпионати ғолиби, 3 нафари Жаҳон Кубоги ғолиби, 7 нафари Осиё чемпионати ғолиби. Синовда иштирок этган боксчиларнинг ўртача ёши – 23,3 ёшни, бокс билан шуғулланишининг ўртача стажи – 8 йилни ташкил қилди.


Мазкур контингентнинг тайёргарлиги кўрсаткичлари ва спорт натижаларини баҳолаш ўртасидаги корреляцион боғлиқлик тадқиқ қилинди ҳамда уларнинг тайёргарлигини омилли структураси аниқланди. Корреляцион ва омилли таҳлил қилиш пайтида барча тадқиқ қилинган кўрсаткичлардан, жумладан спортчиларнинг вазни ва ёши кўрсаткичларидан (жами 32 та кўрсаткич) фойдаланилди, техник-тактик маҳорати бундан мустасно.

Оғир вазн тоифасидаги боксчилар билан бошқа вазн тоифасидаги боксчиларнинг тайёргарлик даражаси, тренировка фаолияти ва техник-тактик

махорати ўртасидаги фарқлар Стъудент бўйича статистик ишончликни аниқлаш йўли билан амалга оширилди.


Диссертациянинг “Турли вазн тоифасидаги боксчиларнинг тренировка юкламаларини оптимал тақсимлаш дастурини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида ҳар хил вазндаги боксчилар томонидан бажариладиган тренировка юкламаларининг омили структурасини тадқиқ қилиш ва қиёсий таҳлили, ҳар хил вазндаги боксчилар тренировкаси дастурини ишлаб чиқишни, тажриба гуруҳлари боксчиларининг тренировка машғулотларини тузишни, ҳар хил вазндаги боксчиларни умумий тайёргарлик босқичидаги тайёргарлиги мазмунини, махсус тайёргарлик босқичидаги тайёргарлиги мазмунини, мусобақаолди тайёргарлиги мазмунини услубий хусусиятларини, ҳар хил вазндаги боксчиларни мусобақа босқичидаги тайёргарлиги мазмуни хусусиятларини асослаш юзасидан материаллар баён қилинган.

Ҳар хил вазндаги боксчилар бажарадиган тренировка юкламаларини қиёсий таҳлили амалга оширилган бўлиб, у, оғир вазндагилар енгил ва ўрта вазн тоифаларидаги боксчиларга нисбатан юкламанинг энг кам хажмда бажаришган (60,4 дақ. УЖТ ва 34,1 дақ. махсус тайёргарлик воситалари) (енгил вазндагилар мос равишда 66,3 дақ. ва 40,4 дақ., ўрта вазндагилар 63,1 дақ. ва 38,3 дақ.) (1 ва 2-расмларга қаранг).



1-расм. Ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг ўқув-тенировка жараёни доирасидаги УЖТ воситаларини ўртача хажми (дақ)

Лекин, фарқлар фақатгина энг енгил ва оғир вазн тоифадагилар ўртасида ишончли ($p < 0,05$). УЖТ машқлари ичида оғир вазн тоифасидагилар бошқа тоифадаги боксчиларга нисбатан кроссни кам югуришади, спорт ўйинларига ва бошқа умумий ривожлантирувчи машқларга таҳминан бир хилда вақт сарфлашади. Оғир ва ўрта вазн тоифаларидаги спортчиларда фарқлар аҳамиятли эмас ($p > 0,05$). Шунини ҳам айтиш лозимки, оғир вазндагилар бошқа вазнга мансуб боксчилардан снарядлардаги машқларни, шерик билан ва мусобақа машқларини бажариш хажми бўйича фарқ қилишади.



2-расм. Ҳар хил вазн тоифасидагил боксчиларнинг ўқув-тренировка жараёни доирасидагил махсус тайёргарлик воситаларини ўртача хажми (дақ)

Улар, бошқа вазн тоифасидаги спортчиларга нисбатан оғир снарядларда, лапаларда, шерик билан кам ишлашади ва эркин жанглар ва спаррингларни кам ўтказишади (фарқлар юқори даражада ишончли $p < 0,01$).

Боксчиларнинг мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш, оғир вазнли спортчиларнинг техник-тактик маҳорати даражасини бошқа вазн тоифасидаги боксчиларникига нисбатан паст эканлигини кўрсатди.

Боксчиларни тактик маҳорати уларнинг техник тайёргарлигига кўп даражада боғлиқ. Шу асосда, оғир вазнли спортчилар учун уларнинг тактик тайёргарлигини акс этадиган мақсадли модели тавсифларни ҳамда уларни мазкур гуруҳ спортчилари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришнинг воситалари ва усулларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тахмин қилиш мумкин.

Спортчиларнинг морфофункционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган тренировкани анча самарали структурасини топиш – оғир вазн тоифасидаги боксчиларнинг тренировка жараёнини янада оптималлаштиришни энг самарали йўли ҳисобланади. Ҳар хил вазндаги боксчиларни тайёрлашнинг мукамал йўлини топиш муаммоси энг аҳамиятли жисмоний сифатларини янада мақсадга йўналтирилган тарзда ривожлантириш мақсадида аниқлаш ҳисобига ҳал қилиниши мумкин. Бунинг учун спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги билан спорт натижалари кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқликни корреляцион таҳлил қилиш натижаларини қўллаш мумкин. Ўқув-тренировка машғулотларида энг аҳамиятли жисмоний сифатларни устивор ривожлантиришга таяниш, уларнинг техник-тактик тайёргарлигини анча самарали амалга ошириш ва спорт натижаларини кўтариш имконини беради.

Омилли таҳлил асосида, оғир вазнли боксчилар жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг самарали воситалари ва моментларини объектив ва аниқ танлаш мумкин бўлади.

Корреляцион ва омилли таҳлил натижаларини оғир вазнли боксчилар жисмоний тайёргарлиги даражасини назорат қилишнинг информатив тестларини аниқлаш учун ҳам қўллаш мумкин. Жисмоний тайёргарлик билан спорт натижалари кўрсаткичлари ўртасида аниқланган корреляцион ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш, уларнинг ичида ўлчанаётган мезон билан энг юқори даражада боғлиқ бўлганларини информатив кўрсаткич деб ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатди.

Биз таклиф қилган вариантини боксчиларни анъанавий тренировкасидан фарқ қиладиган кирраларини аниқлаш учун тайёргарлик сифат ва миқдор даражасида таҳлил қилинди. Биринчи ҳолатда, тренировканинг қўлланиладиган воситалари ва усуллари баён қилинган, иккинчи ҳолатда эса – тайёргарлик даражаси ва бажарилган тренировка юкламаларининг миқдорий параметрлари таҳлил қилинган бўлиб, улар ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг ўртача маълумотлари билан таққосланган. Тренировка юкламаларини таҳлили тайёргарликнинг ҳар хил босқичларида ўтказилган, чунки тренировка ўзининг аҳамиятли хусусиятларига эга. Умумий тайёргарлик босқичи, қоидага кўра,

баландлиги ўртача 1500-2000 м бўлган тоғ зонасида ўтказилади. Умумий тайёргарлик босқичида бажариладиган тренировка юкламаларини таҳлил қилиш, босқичнинг умумий вақтини кўп қисмини юклама ҳажмини 70% ни ташкил қиладиган УЖТ машқлари эгаллашини кўрсатди. Умумий жисмоний тайёргарликнинг асосий воситалари – спорт ўйинлари ва кросс ҳисобланади. Спорт ўйинлари футбол ва баскетболдан ташкил топди.

УЖТнинг бошқа воситалари ичидан ҳар хил гимнастик машқлар, штанга ва бошқа оғирликлар билан машқлар энг кенг қўлланилди. Ўртача баландликдаги тоғ шароитларини ва адаптация хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, юкламалар жадаллиги босқичнинг биринчи ҳафтасида унча катта бўлмади. Бу вақтда, асосан кросс ва кам ҳажмдаги спорт ўйинлари ўтказилди. Иккала машқлар ҳам ўртача жадалликда қўлланилди. Масалан, кроссда тезлашишлар қўлланилмади, лекин давомийлиги 20 минутдан 50 минутгача ташкил қилди. Кейинги ҳафтада юкламанинг жадаллиги сезиларли даражада оширилди. Кросс анча баланд суръатда бажарилди, бунда, тренировканинг мусобақа усули кўпроқ қўлланилди. Бу, спорт ўйинларига ҳам тааллуқли.

Махсус тайёргарлик воситалари ушбу босқичда унча катта бўлмаган ҳажмда қўлланилди ва у, бутун тренировканинг 30% вақтини эгаллади. Уларнинг ичида оғирликлар билан имитацион машқлар ҳамда оғир снарядларда – қоплар ва деворга осилган спорт ёстиқлари билан машқлар оммабоп бўлди. Шерик билан техник-тактик маҳоратни такомиллаштириш бўйича машқлар жуда кам қўлланилди, спарринглар эса, умуман қўлланилмади. Биринчи ҳафтада, умумий ривожлантирувчи машқлар каби махсус тайёргарлик воситалари ҳам кичик ва ўрта жадалликда қўлланилди. Таклиф қилинган юкламанинг умумий ҳажми (112 дақ.) ўрта вазн ва енгил вазн гуруҳидаги спортчиларниқидан бирозгина паст (мос равишда 113 ва 114,1 дақ.) ва оғир вазн гуруҳидагиларниқидан юқори (107 дақ.) бўлди (3-расмга қаранг).



3 – расм. Боксчиларни тайёргарлик босқичидаги юкламасини умумий ҳажми (дақ.)

Махсус тайёргарлик босқичининг давомийлиги 10-12 кунга тенг. Ушбу босқичда бажариладиган тренировка юкламаларини таҳлил қилиш, УЖТ воситаларини ҳажми умумий юкламанинг 60-65% ни ташкил қилишини кўрсатди.

Юкломанинг жадаллиги умумий тайёргарлик босқичидагига нисбатан сезиларли даражада ошди. Кросслар анча юқори суръатда бажарилди, тренировканинг мусобақа усули кўпроқ қўлланилди. Бу, спорт ўйинларига ҳам тааллуқли.

Ушбу босқичда махсус тайёргарлик воситалари тренировканинг умумий вақтини 35-40% хажмида қўлланилди. Уларнинг ичида оғирликлар билан имитацион машқлар ҳамда оғир снарядлардаги машқлар оммабоп бўлди. Шерик билан техник-тактик маҳоратни такомиллаштириш ва спарринг машқларини хажми махсус тайёргарликка сарфланган вақтнинг 5-8% ни ташкил қилди. Махсус тайёргарлик воситалари кичик ва ўрта жадалликда қўлланилди. Давомийлиги 17-21 кунни ташкил қилади.

Тайёргарликнинг вазифаларига мос равишда тренировканинг воситалари ва усуллари танланди. Ушбу босқичда тренировка жараёни анча ихтисослаштирилди. Умумий ва махсус тайёргарлик хажмларининг нисбати УЖТ фойдасига тахминан 55:45 ни, умумий тайёргарлик босқичида 70:30 ни, махсус тайёргарлик босқичида 60:40 ни ташкил қилди. Юкломанинг умумий хажми сезиларли даражада камайди. Шерик билан техник-тактик маҳоратни такомиллаштириш ва снарядлардаги машқлар тренировканинг асосий воситаси бўлди. Ушбу босқичда мусобақа машқлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улар спортчиларнинг мусобақа фаолияти учун характерли бўлган энг специфик сифатлар ва кўникмаларни такомиллаштиришга кўмаклашади.


Оғир вазн тоифасидаги боксчилар юкломасининг умумий хажми мавжуд хажмлардан (мос равишда 92,1 дақ. ва 86,7 дақ.) юқори бўлди. Бу, асосан, махсус тайёргарликнинг суммар хажмларидаги фарқлар билан белгиланади. Таклиф қилинган вариантдаги унинг хажми 36,8 дақиқани ташкил қилди, бу, анъанавий қўлланилган вариантдагига (32,2 дақ.) нисбатан 4,6 дақиқага кўп. УЖТ нинг суммар хажмида фарқлар кичкина. Таклиф қилинган вариантда УЖТ хажми (55,3 дақ.) анъанавий вариантдагидан (54,5) атиги 0,8 минутга юқори (4-расмга қаранг).

Тренировка воситаларини тақсимлашнинг таклиф қилинган вариантыда кросс тайёргарлигига кўпроқ вақт (14,8 дақ.) ажратиш кераклиги кўрсатилган бўлиб, у, бошқа умумий ривожлантирувчи машқлар ҳисобига оғир вазндаги боксчиларда 2,7 дақиқага кўп.

Махсус тайёргарлик воситалари ичида энг катта фарқлар оғир снарядлардаги (2,7 дақ.), оғирликлар билан (1,3 дақ.) ва имитацион (1,5 дақ.) машқларнинг хажмида аниқланган. Лапаларда, шерик билан ва мусобақа машқларининг хажмларидаги фарқлар аҳамиятли эмас ва 0,2 дақиқадан кўпроқ бўлди. Фақатгина энгил снарядлардаги машқларнинг хажми оғир вазндаги боксчиларда таклиф қилинган вариантдан юқорироқ (1,2 дақиқага) бўлди (5-расмга қаранг).

Таклиф қилинган вариантда кўпчилик кўрсаткичлар бўйича энгил вазндаги спортчиларникидан бирмунча паст ёки амалда фарқ қилмайди. Бундай кўрсаткичлар таркибига юкломанинг умумий хажми, УЖТ ва махсус тайёргарликнинг суммар хажмлари ҳамда югуриш, спорт ўйинлари, оғирликлар


билан машқлар ва бошқа умумий ривожлантирувчи машқларнинг хажмлари киради. Лекин, таклиф қилинган вариантда энг муҳим ва кучланган машқларнинг хажмлари бўйича енгил вазндагилар ва ўрта вазндагилар билан фарқлар анча сезиларли. Уларга лапалардаги, шерик билан машқлар ва мусобақа машқлари киради ва фарқлар 0,7 дан то 1,1 дақиқагача. Биринчи қарашда, ушбу фарқ унча катта кўринмайди, лекин шуни ҳисобга олиш керакки, ушбу машқларнинг хажми катта бўлмаса ҳам, кучланганлиги ва муҳимлиги жуда катта.



4 – расм. Мусобақаолди босқичдаги тайёргарликда боксчилар УЖТ воситаларининг умумий хажми (дақ.)

Шу билан бирга, бу ерда, бир кунлик тренировкага тўғри келадиган юкламаларнинг ўртача маълумотлари келтирилганлигини ёдда сақлаш лозим. Табиийки, ушбу машқларнинг хажмларидаги фарқлар бутун босқич давомида юқори даражада сезиларли бўлади. Имитацион ва оғир снарядлардаги машқларни бажаришдаги хажмларни таклиф қилинган вариантдаги устиворлигини алоҳида айтиш жоиз.

Биринчиларининг хажми уларда 7,9 дақиқати, енгил ва ўрта вазн тоифадагиларда эса – 7 дақиқати ташкил қилади. Оғир снарядлардаги машқларнинг хажмида фарқлар янада сезиларли бўлди (уларнинг хажми мос равишда 8,4 ва 7,3 дақиқатга тенг). Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: мусобақаолди босқичидаги тренировка оғир вазндаги боксчилар гуруҳида кўпчилик машқларнинг юкламалари катта хажмлари билан фарқ қилади. Кросс тайёргарлигига, имитацион, оғирликлар билан ва оғир снарядлардаги машқларга анча кўп вақт сарфланади, умумий ривожлантирувчи машқларга эса – сезиларли даражада кам вақт сарфланади.




5-расм. Боксчиларни тайёргарликнинг мусобақаолди босқичидаги махус тайёргарлиги воситаларини умумий хажми (дак.)

Ўтувчи-тикланувчи босқичда тренировка юкламалари хажмини ва жадаллигини кескин пасайиши ҳамда уларнинг йўналганлигини сезиларли даражада ўзгариши характерли бўлади. Босқичнинг давомийлиги турнирни аҳамиятига боғлиқ ҳолда, одатда, 10-20 кундан ошмайди. Машғулотлар енгил кроссдан (2-3 км) ёки спорт ўйинларидан (футбол ёки баскетбол) ташкил топади. Кейин, босқичнинг ўртасида ва якунида тренировка юкламаларининг сони кунига иккитагача оширилади. Биринчиси, тахминан юқорида баён қилинган эрталабки тренировка каби характерни сақлайди, иккинчиси эса, устивор тарзда имитацион ва оғирликлар билан машқларга бағишланади.

Диссертациянинг **“Тайёргарликнинг мусобақаолди босқичида ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг оптимал тренировка юкламаларини тажрибаларда асослаш”** деб номланган тўртинчи бобида таклиф қилинган тренировка дастурининг самарадорлигини тажрибаларда текшириш, ҳар хил вазн тоифасидаги боксчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, махсус техник тайёргарлиги структураси ва воситаларини ҳамда жисмоний ва махсус техник тайёргарлигини ўсиш даражаларини ва уларни тактик маҳоратини қиёсий таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

6-расмдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, тажриба гуруҳидаги боксчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаларини ўртача ўсиши (6,1%), назорат гуруҳидаги боксчиларнинг кўрсаткичларига (3,3%) нисбатан юқори бўлган. Ўтказилган 12 та тестлар бўйича ўсиш даражаси тажриба гуруҳидаги боксчиларда юқори бўлган. Фақатгина учта тестда ўсиш кузатилмади.

Энг юқори ўсиш чидамлилиқ ва тезкор-куч сифатларини ривожланиши даражасини, яъни жисмоний тайёргарликнинг энг аҳамиятли томонларини тавсифлайдиган тестларда аниқланди. Хусусан, чидамлилиқни ривожланиши даражасини энг яхши тарзда акс этувчи 3x800 м югуриш натижалари (III югуриш) тажриба гуруҳи боксчиларида 11,2% га ошди, назорат гуруҳи боксчиларида эса – ўсиш 6,4% ни ташкил қилди, холос. Тахминан шундай ҳолат, тезкор-куч сифатларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган тестларда ҳам кузатилди. Масалан, кучли ва кучсиз қўл билан ядрони улоқтиришда ТГ натижаларининг ўсиши мос равишда 7,7% ва 4,0%, НГ да эса – 5,0% ва 2,2%; 15 секундлик тестда зарбанинг кучи – 5,4% ва 1,6%; уч раундлик тестда зарбанинг кучи – 7,8% ва 5,0% ни ташкил қилди. Зарбанинг тезлигини ўсиш даражаси унча катта бўлмади, бу, ушбу сифатни бошқаларига нисбатан кам тренировка қилиниши билан тушунтирилади. Лекин, ушбу сифатда ҳам ўсиш суръати ТГ да НГ га нисбатан юқори бўлди. Тажриба гуруҳи боксчиларида кучли ва кучсиз қўл билан зарба бериш тезлигини ўсиши мос равишда 2,6% ва 2,8%, назорат гуруҳи боксчиларида эса – 1,0 ва 1,3% га тенг. Умуман олганда, олинган натижалар тренировка жараёнининг таклиф қилинган вариантини самарадорлиги тажриба гуруҳи боксчиларида назорат гуруҳи боксчиларига нисбатан анча юқори эканлиги тўғрисида далолат беради.



6-расм. Тажриба ва назорат гуруҳи боксчилари жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини ўсиши даражаси, (%)

Жанговар усулларни бажариш техникасини эксперт баҳолаш натижаларини тажриба ва назорат гуруҳи боксчиларида асосий тажрибаларнинг якунига келиб таҳлил қилиш, ўрганилган 23 та кўрсаткичлардан 15 тасида (чап қўл билан тўғридан бошга, чап қўл билан тўғридан танага, ўнг қўл билан тўғридан танага, чап қўл билан ёнбошдан танага, чап қўл билан пастдан бошга, чап қўл билан пастдан танага, ўнг қўл билан пастдан танага, комбинацияланган ҳимоя, шўнғиш билан ҳимояланиш, қочиш билан ҳимояланиш, тик туриш, ҳаракатланишлар, тайёргарлик ҳаракатлари, финтлар, хилма хиллик) экспертлар тажриба гуруҳи боксчиларини устивор эканлигини, 4 тасида (ўнг қўл билан тўғридан бошга, ўнг қўл билан ёнбошдан танага, ўнг қўл билан пастдан бошга, чап бериш билан ҳимояланиш) панд берганлигини кўрсатди. Бу, мусобақа фаолиятининг энг аҳамиятли параметрларига асосланган тренировка услубини таклиф қилинган вариантини спецификаси билан боғлиқ бўлса керак.

Шу нарсага эътиборни қаратиш керакки, кўпчилик ҳолатларда, баҳолардаги унча катта бўлмаган фарқлар усулларни техника жиҳатидан энг мураккаб ижро этишда кузатилган.


Бу, масалан, танага бериладиган кўпчилик зарбаларга тааллуқли, уларни бажариш техникаси бошга зарба бериш техникасига нисбатан анча қийин ҳисобланади. Ҳимояланишларнинг бошқа турларига нисбатан мураккаброқ бўлган комбинацияланган ҳимоя тўғрисида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Оғир вазн тоифасидаги боксчилар томонидан ҳаракатланиш каби техник усулни бажариш техникасида ўсиш (тажрибанинг бошида 2,4 балл, якунида 4,1 балл) борлигини ҳам айтиш жоиз. Боксчиларнинг ҳаракатчанлиги ушбу усулга кўпроқ боғлиқ, демак рақибнинг зарбаларидан қочиш имконини беради, бу, оғир вазн тоифасидаги боксчилар учун жуда муҳим.

Қўлланиладиган усулларнинг хилма хиллиги каби кўрсаткичда эксперт баҳонинг ўсишини (тажрибанинг бошида 1,7 балл, якунида 4,2 балл) кўриб чиқишда, тажриба гуруҳи боксчилари назорат гуруҳи боксчиларидан фарқли ўлароқ жанговар усулларни анча кенг доирада қўлай бошлашганини таъкидлаш мумкин. Тажриба ва назорат гуруҳи боксчиларини тактик маҳоратини баҳоланишини кўриб чиқамиз (1-жадвалга ва 7-расмга қаранг).


**Асосий тажриба якунида тажриба ва назорат гуруҳи боксчиларининг
тактик маҳорати кўрсаткичлари (балларда)**

№	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи боксчилари		Назорат гуруҳи боксчилари	
		\bar{X}	δ	\bar{X}	δ
	Гуруҳ				
1	Ютиб олиш тактикаси	3.4	0.45	3.1	0.30
2	Тезкор старт тактикаси	2.9	0.33	2.4	0.28
3	Нокаут тактикаси	4.2	0.36	4.0	0.58
4	«Портловчи хужум» тактикаси	3.2	0.40	2.5	0.37
5	Узлуксиз босим ўтказиш тактикаси	3.8	0.30	3.7	0.37
6	Зарбалар алмашиш тактикаси	3.6	0.40	3.6	0.28
7	Юқори суръат тактикаси	3.4	0.33	2.2	0.25
8	Рақибни ҳолдан тойдириш тактикаси	2.2	0.41	-	-
9	Кутиб олувчи жанг тактикаси	3.4	0.39	2.6	0.40
